



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 7, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 7, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2024

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ирригация ва кишлоқ  
хужалиғини механизациялаш  
муҳандислари институти  
Миллий тадқиқот университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайжон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети


**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз далам педагогика институти

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети

<b>1. Жаҳонгирбек Жонқобилов</b> СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	4
<b>2. Обиджан Мадаминов</b> ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
<b>3. Акмал Менглибоев</b> СУРХОН ВОҲАСИДА 1921-1922 ЙИЛЛАРДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КУЧАЙИШИ.....	15
<b>4. Baxtiyor Nazirov</b> XOTIN-QIZLAR SPORTINI RIVOJLANTIRISHNING ISTIQBOLLARI VA MAVJUD MUAMMOLAR.....	22
<b>5. Mukhiddinjon Primov</b> O‘ZBEKISTONDA KARTOGRAFIK FAOLIYATNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALARNING QO‘LLANILISHI.....	28
<b>6. Asror Raximov</b> QARSHI CHO‘LI TARIXIGA NAZAR.....	35
<b>7. Kamoliddin Toshov</b> IKKINCHI JAHON URUSH YILLARIDA SURXONDARYO VILOYATI AHOLISINING G‘ALABAGA QO‘SHGAN MUNOSIB HISSASI.....	42
<b>8. Sanjarbek Shoyimov</b> SOVET-AFG‘ON URUSHIDA O‘ZBEKISTONNING ISHTIROKI VA URUSHNING U UCHUN SALBIY OQIBATLARI.....	49
<b>9. Ikrom Xudayberdiyev</b> DYURAND CHEGARA CHIZIG‘IGA AFG‘ONISTON VA POKISTONNING MUNOSABATI.....	57
<b>10. Иззат Юсупов</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” БУХОРО САМАРҚАНД ВА НАВОИЙ ФИЛИАЛЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	63
<b>11. Шерзоджон Чориев</b> АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	69
<b>12. Мардон Хасанов</b> ХОРАЗМДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАР (ХРИСТИАНЛИК МИСОЛИДА).....	76




**Акмал Менглибоев,**

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## СУРХОН ВОҲАСИДА 1921-1922 ЙИЛЛАРДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КУЧАЙИШИ

**For citation:** Akmal Mengliboev. THE GROWTH OF THE NATIONAL LIBERATION MOVEMENT IN SURKHON OASIS IN 1921-1922. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 1, pp.15-21

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10614753>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Шарқий Бухорони босиб олган большевиклар чор Россиясининг миллий камситиш, мустамлакачилик, талончилик ва ўравонлик сиёсатини давом эттириши, 1921 йил март ойида Бойсун вилоят партия кўмитасининг конференцияси бўлиб ўтдганлиги. Унда Бойсун партия кўмитаси ташкил этилиши ва миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши ҳақида маълумот олиш мумкин.

**Калит сўзлар :** Бойсун вилояти, Сариосиё вилояти, Шеробод вилояти, Мулла Бадриддин, Мирза Сафарбий Шариф ўғли, Фахриддин Қори Амин Исрофил ўғли, Мирза Омон Бурхон ўғли, Аҳмадхўжа Азизхўжа.

**Акмал Менглибоев,**

Преподаватель Института предпринимательства и педагогике Денова доктор философии (PhD) по истории

## РОСТ НАЦИОНАЛЬНО-ОСВОБОДИТЕЛЬНОГО ДВИЖЕНИЯ В СУРХОНСКОМ ОАЗИСЕ В 1921-1922 гг.

### АННОТАЦИЯ

В этой статье большевики, оккупировавшие Восточную Бухару, продолжили политику национальной дискриминации, колонизации, грабежа и насилия царской России и что в марте 1921 года состоялась конференция Бойсунского обкома партии. В нем можно найти сведения о создании Байсунского партийного комитета и подъеме национально-освободительного движения.

**Ключевые слова:** Байсунский район, Сариосийский район, Шерабадский район, Мулла Бадриддин, сын Мирзы Сафарби Шарифа, сын Фахриддина Кари Амин Исафил, сын Мирзы Амона Бурхана, Ахмадходжа Азизходжа.

**Akmal Mengliboev,**  
Teacher of Denov Institute of Entrepreneurship and Pedagogy  
Doctor of Philosophy (PhD) in History

## THE GROWTH OF THE NATIONAL LIBERATION MOVEMENT IN SURKHON OASIS IN 1921-1922

### ABSTRACT

In this article, the Bolsheviks who occupied Eastern Bukhara continued the policy of national discrimination, colonization, robbery and violence of Tsarist Russia, and that in March 1921, a conference of the Boihsun regional party committee was held. In it, information can be found about the establishment of the Boihsun Party Committee and the rise of the national liberation movement.

**Index Terms:** Boihsun region, Sariosiya region, Sherabad region, Mulla Badriddin, son of Mirza Safarbiy Sharif, son of Fakhriddin Qari Amin Isrofil, son of Mirza Amon Burkhan, Ahmadkhoja Azizkhoja.

### 1. Долзарблиги:

Шарқий Бухорони босиб олган большевиклар чор Россиясининг миллий камситиш, мустамлакачилик, талончилик ва зўравонлик сиёсатини давом эттирди. Ҳатто, бунга қўшимча тарзда миллий эътиқодларни поймол этиш, хур фикрли зиёлиларни йўқ қилиш, миллий тил, маданият ва адабиёт вакиллари тазйикқа олиш, ўзларига қарши чиққан ҳар қандай чиқишларни йўқ қилиш учун барча усулларни қўллади. Босиб олинган ерларни узил-кесил ўрнашиб олиш учун кенг қўламли сиёсий-маъмурий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўтказишга киришди.

Бухоро Халқ Совет Республикасида маъмурий-худудий ислохотлар ўтказилар экан, амирлик тузуми давридаги эски бекликлар, амлоқдорликлар, аминликлар ва оқсоқолликлардан воз кечилди. Илгариги 28 беклик ўрнида 15 та вилоят ташкил этилди. Вилоятлар туманлар ва кентликлардан иборат қилиб қўйилди. Туманлар олдинги бекликлар ёки бир нечта амлоқдорликлардан, кентликлар эса амлоқдорликлар негизида ташкил этилди. Ҳозирги Сурхондарё вилояти ўрнида учта вилоят тузилди. Бойсун вилояти – Бойсун, Қумқўрғон, Дарбанд туманларига, Сариосиё вилояти – Сариосиё, Юрчи, Қоратоғ туманларига, Шеробод вилояти – Термиз (Паттакесар), Шеробод, Калиф туманларига бўлинди. Денов тумани Чоржўй вилояти таркибига киритилди[1].

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Совет ҳукумати жойларда ўзининг жазо органларини ҳам тузиб олди. 1920 йилнинг сентябрида Умумбухоро Фавқулудда Комиссияси тузилиб, унга Ҳожи Ҳасан Аҳромий ўғли раис этиб тайинланди. О.Оқчурин эса инқилобий трибунал бошлиғи бўлди. 1920 йил 20 сентябрда Бухоро Халқ Совет Республикасининг қарори билан Олий ҳарбий-инқилобий трибунал («Реввоентрибунал») ташкил этилди. Бу орган янги ҳокимият душманларини аниқлаш ва уларни жисман йўқ қилиш билан шуғулланди. Чунончи, 1920 йил 6-9 сентябрда Умумбухоро Фавқулудда тергов комиссияси ҳукми билан Қозикалон Мулла Бадриддин, Мирза Сафарбий Шариф ўғли, Фахриддин Қори Амин Исрофил ўғли, Мирза Омон Бурхон ўғли, Аҳмадхўжа Азизхўжа ва бошқалар отиб ташландилар. 1920 йил 18 октябрда яна 29 нафар руҳоний Олий ҳарбий трибунал ҳукми билан отиб ўлдирилди[2].

Барча вилоятларда фавқулудда комиссиялар, махсус бўлимлар, ГПУлар ташкил этилди. Ҳар бир вилоят ва туманда инқилобий қўмиталар (ревкомлар) тузилди. 1921 йил январда Бойсун ревкоми раиси лавозимига қаркилик Ибодулла Ҳалимов тайинланади. Ўша пайтда Бойсун фавқулудда комиссиясига Ҳасанов, махсус бўлимга Гейзер, ГПУга Олтибой Абдуллаев бошчилик қилди[3]. Вилоят ва туман ревкомлари Қизил Армия қисмларини озик-овқат, ем-хашак билан таъминлаш, тартибни сақлаш, тарғибот-ташвиқот

ишлари билан шуғулландилар. Улар ўз ҳаракатлари билан совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун хизмат қилдилар[4].

Большевиклар куйи ва ўрта даражадаги лавозимларга мумкин қадар ўзига мойил бўлган туб аҳоли вакиллари кўйиб, улар орқали ўз сиёсатини юритишга алоҳида эътибор қаратишди. Юқори партия лавозимлари, йирик ҳарбий бўлинмалар ва ГПУнинг масъул лавозимларига кўпроқ рус, украин, арман, яхудий, татар миллатларига мансуб кишилар кўйилди. Уларнинг ёрдамида маҳаллий раҳбарлар назорат қилиб турилди.

**Совет ҳокимияти камбағал аҳолини ўз томонига оғдириб олиш учун уларга текинга ер-мулк ва бошқа имтиёزلарни ваъда қилди. Масалан, Амир Олимхонни таъқиб этган 8-Туркистон ўқчи полки командири Бойсунни эгаллаши билан шаҳардан қочиб кетган бой ва савдогарларнинг дўконларини очдириб, уларнинг мол-мулкни йўқсилларга тарқатиб беради[5]. Табиийки, бу ўз натижасини берди ҳам. Аҳолининг маълум қисмида большевикларга нисбатан мойиллик пайдо бўлди. Бундан ташқари, маъмурий ислохотлар ўтказиб, бошқарувга камбағалларни кўйиш орқали туб аҳоли ўртасида ўз таъсирини ушлаб туришга ҳаракат қилди.**

### **3.Тадқиқот натижалари:**

1921 йил март ойида Бойсун вилоят партия қўмитасининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда Бойсун партия қўмитаси ташкил этилди. Конференцияда вилоят партия қўмитасининг ҳайъатига 5 киши сайланди. Улар қуйидагилар: Мирза Рауфхўжа – раис, Йўлдош Бобохўжаев – раис ўринбосари, Одина Хўжаев – котиб, Қодир Ғафуров – аъзо, Ҳожи Ҳасанов – аъзо[6].

Аҳолининг каттагина қисми большевиклар томонига ўтишида амир ҳокимиятининг ўзи сабабчи бўлган эди. Ўз вақтида амалдорлар ва қўшин бошлиқлари жуда кўплаб бойлик йиғган, бу ҳам етмагандек, бойликка жуда берилиб кетганлигидан одамларнинг мол-мулкни тортиб олишдан ҳам қайтишмаган эди. Амалдорларнинг ўзаро адоватда бўлиши, мансаб таллашишлари, бировларнинг қизи ёки хотинини мажбуран амир ҳарамига юборишлар одатий ҳол бўлиб қолган, йирик руҳонийлар эса буни олдини олишга кучлари етмай қолган эди. Иш шу даражага бориб етдики, ҳатто қозикалон, раиси калон охунд ва аълам каби шариат пешволари ҳам мол-мулк тўплаш пайига тушиб қолишган эди. Амалдорлар зулми, ноҳақлик, оғир солиқлардан эзилиб қолган оддий деҳқонлар мавжуд тузумдан норози эди. Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, буларнинг барчаси амир Олимхоннинг нодонлиги ва иш билмаслиги натижаси эди[7].

Амир Олимхон Ҳисорга қочганида ҳам вазиятни ўнглаш, аҳолини ўз томонига жалб қилиш ўрнига кўп ҳолларда ножўя ишларга бош бўлди. Амир Душанбеда турар экан, шубҳаланган ҳар киши борки, «жадидликда» айблаб қатл этар эди. Улар орасида Қоратегин беги Баротбек Ҳидоячи ҳам бор эди[8]. Аҳоли мол-мулкни тортиб олиш ва ялпи сафарбарлик кучли норозиликларга олиб келар эди[9].

Бойсун-Шеробод минтақасида аёвсиз жанглр бўлаётганида, амир бировларнинг қизларини тортиб олиб қўнғилхушлик қилиши, жабр-зулмнинг ҳаддан ташқари ортиб кетиши натижасида халқнинг ғазабини кучайтирди. Оқибатда 1920 йил 16 декабрида Қоратегин беклигида Усмон Муҳаммадаминов бошчилигида кўзғолон кўтарилди. Кўзғолончилар Ғармни эгаллаб олишди. Фақат амир томонидан юборилган катта қўшингина кўзғолонни бостирди. Унинг бошлиқлари ўлдирилди[10]. Кўп ўтмай, Шеробод аҳолиси ҳам ўз вакиллари Термизга юбориб, тезроқ қизил аскарларни жўнатишни илтимос қилишди[11]. Ана шундай оғир вазиятда, амир ҳарамига мажбурлаб олиб кетилган 11 ёшли қизчанинг ўлдирилиши ҳисорликларнинг ғазабини кўзғатди. Амир Ҳисордан кетаётганида аҳоли тўполон кўтариб, ўч олмоқчи бўлди. Фақат соқчиларнинг фидойилиги туфайлигина амир қочиб кутулишга муваффақ бўлди[12].

Шунга қарамай, большевиклар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлашда жиддий қийинчиликларга дуч келишди. Бухоро Республикаси ҳукумати Шарқий Бухорода жанг олиб бораётган қизил аскарларни озиқ-овқат, ем-хашак, ётоқ жой билан таъминлай олмади. Бунинг устига, оғир шароитларда бўлаётган тўқнашувлар қизил аскарларнинг руҳиятига ҳам

салбий таъсир кўрсатган эди. Бундай шароитда қизил аскарлар реквизиция йўли билан аҳоли қўлидаги озиқ-овқат, ем-хашакни тортиб олиш, ўғирлик билан шуғулланиш, аёлларнинг номусига тегишдек жирканч ишларни содир эта бошлашди.

Рухонийлар, амир амалдорлари ва йирик бойларнинг ялпи қирғин қилиниши, қизил аскарларнинг зўравонлиги халқни совет режимига қарши қилиб қўйди. Вазиятни ўрганиш учун 1920 йил 26 декабрда Марказқўм вакили Г.Сафаров Бухорога келди. Мунаввар Қорининг ёзишича: «Сафаров мenden бухороликлар инқилобга қандай муносабатда эканликлари ва Шарқий бухороликлар нима учун амирни қўллаб-қувватлаётганликлари сабабларини ҳам сўради. Мен ҳеч нимани яширмай, бухороликлар мустақилликка интилаётганликлари ва улар ҳозирги аҳволдан норози эканликлари, шунинг учун улар «бу инқилобми ёки босиб олишми?» деган саволни ўртага ташлаётганликларини айтдим. Мен яна шуни ҳам таъкидладимки, Шарқий Бухорода Қизил Армия бўлинмалари отларини масжидларга боғлаб қўйиб, ўзлари эса уйма-уй юриб, талончилик билан шуғулланмоқда»[13].

Шундан сўнг Г.Сафаров инқилобий қўмита йиғилишини чақириб, Бутунбухоро инқилобий қўмитаси Раиси А.К.Муҳиддинов ва Нозирлар Советининг Раиси Ф.Хўжаевни амир қўшинларини тугатиш учун ҳеч нарса қилишмаётганликлари, бунда «совет қароқчилари тўдаси» ёки «Бухоро инқилоби паспортсиз инқилобнинг айнан ўзи эканлиги»ни айтиб, «барчангизни отиб ташлаймиз», «лаънатилар» каби сўзлар билан сўкиб ташлади[14].

Табиийки, Бухоро ҳукумати вакиллари Г.Сафаровнинг бундай муносабатини ўзларига нисбатан ҳақорат сифатида билишди. БХСР ҳукумати РСФСР ташқи ишлар халқ комиссарлигига норозилик нотасини юбориб, Г.Сафаров билан ишлай олмасликлари, Шарқий Бухородаги муваффақиятсизликларга қизил аскарларнинг исломий удумларни менсимасликлари, Куръони Каримни йиртиб, ўз шахсий эҳтиёжлари учун ишлатишаётганликлари сабаб бўлаётганлигини маълум қилишди[15].

Шарқий Бухорони босиб олиши билан рус ҳарбийлари маҳаллий советлар тузилишини кутиб ўтирмасдан Қизил Армия эҳтиёжлари учун оммавий равишда озиқ-овқат жамғаришни бошладилар. Ғалла, гўшт ва бошқа маҳсулотлар Каспийортидаги рус қўшинларига юборилди. Бу ишлар Совет Россиясида «озиқ-овқат развёрсткаси» номини олган бўлиб, қизил аскарлар томонидан расман мустақил бўлган Бухоро республикасида ўтказилган эди. БХСР ҳукумати бошлиғи Ф.Хўжаев 1921 йил июнида Ленин номига йўллаган телеграммада айтилишича, республикадаги гўшт развёрсткаси рус қуролли отрядлари томонидан бажарилган бўлиб, аҳолини русларга, шу жумладан, қизил аскарларга нисбатан нафратни вужудга келтирди[16]. 1921 йил кузида озиқ-овқат отрядлари томонидан 1,5 миллион пуд ғалла тортиб олинган эди. Эътиборли томони, қизил аскарлар келгунига қадар Бухорода ғалла тақчиллиги кузатилмаган эди[17].

Қизил Армия қисмларининг зўравонлиги халқ кўзғолонларининг бошланишига сабаб бўлди. 1921 йил июнь ойида Ғарм, Балжувон, Файзобод, Кўлоб, Қоратегин бекликлари аҳолиси кўзғолон кўтарди[18]. 1-Туркистон кавалерия дивизиясининг ҳарбий комиссари Спасскийнинг 1921 йил 25 июнь куни Туркфронт Реввоенсовети аъзоси П.И.Барановга юборган хабарига кўра, кўзғолонга аҳолидан тинимсиз равишда озиқ-овқатларнинг тортиб олиниши, олинган маҳсулотларга пул берилмаслиги, милицияга сафарбарлик нотўғри ташкил этилганлиги сабаб бўлган. Кўзғолончилар Фарғонадан келган босмачиларга қўшилган. Жуда оғир шароитларда бутун Шарқий Бухорони босиб ўтган қизил аскарлар ҳолдан тойган, жулдур кийимли, кир-чир, оч бўлиб, жанговор полклар партизанлар ёки жиноятчилар тўдасига ўхшаб қолган. Икки кунлик жангдан сўнг қизил аскарлар Кўлобни талон-тарож қилиш ва тирик қолганларни отиб ташлашга киришишган. Бунда 50 нафар аёлни зўрлашган, 140 та хотин кўрғонга кириб жон сақлаган. Комиссарларнинг бундай жирканч ишларни тўхтатишга бўлган уринишлари ёрдам бермаётир, дейди[19].

РСФСРнинг Бухородаги бош консули Нагорнийнинг 1922 йил 2 апрелда Коминтерн бошлиғи Г.Сафаровга юборган докладада ёзилишича, ҳокимият вакиллариининг ёқилғи билан таъминлаш ишларининг йўлга қўйилмаганлиги туфайли, рус қўшинлари ўзини – ўзи ўтин

билан таъминлашга ўтди. Бухорода ўрмон йўқлиги боис, шаҳар ва қишлоқларда жойлаштирилган рус гарнизонлари аҳоли уй-жойини бузиб, ўтин сифатида ишлатмоққа киришган. Натижада, бир йил ичида Ғузор, Бойсун, Юрчи, Душанбе ва бошқа шаҳарларнинг қиёфаси кескин ўзгариб, харобага айланган. Йўл устидаги кичикроқ қишлоқлар эса, рус кўшинларининг ўтиши оқибатида 5-6 ой ичида бутунлай ер юзидан ўчириб юборилган. Кўп ҳолларда шаҳар ва қишлоқларнинг бузилишига фақатгина рус кўшинларини айблаб бўлмайди. Айтиш мумкинки, улар фақат бузишни бошлаб беришган. Уй-жойи ўтин мақсадида бузилиши билан уй эгалари тезда капасининг қолган қисмини бузиб, йўлдан узоқроқ жойга олиб кетар ва ўша ерга кўчиб ўрнашар эдилар. Жумладан, Ғузор аҳолиси маҳаллий ижроия кўмитасига берган аризасида айтилишича, шаҳарнинг рус аскарлари томонидан ўтин учун бузилаётганини сабаб қилиб кўрсатиб, ижроқўмдан ўз уйларини шаҳар ташқарисига кўчиришга рухсат беришни сўрашган. Фақат Марказ вакилининг қатъий ҳаракатлари билан ғузорликлар ўз ниятларидан воз кечишган. Юқорида қайд этилганидек, Бухоро ҳукуматининг кучсизлиги ва аҳолидан олинган буюмлар учун тезда тўлов қилиш кераклигини тушунмаслик натижасида турли маҳаллий органларнинг халқдан олган қарзи б миллиард рублга етган. Бу пулларни қайтариб берилмаслиги аҳолининг янги ҳокимиятга бўлган муносабатини ёмонлаштирмоқда, дейилади[20].

Қизил аскарлардан жабр-зулм кўрган оддий аҳоли тез-тез кўзғолонлар кўтариб турди. Халқ ҳаракатлари йирик кўрбошилар томонидан бошқарилиб турилди. Жумладан, Лақайда – Иброҳимбек, Бойсунда – Хуррамбек, Жарқўрғонда – Ўтанбек, Шерободда – Мустафоқулбек, Қумқўрғонда – Салом Калта, Балжувонда – Давлатмандбий, Қоратегинда – Фузайл Махсум, Дарвозда – Эшон Султон сингари беклар бошчилик қилишди.

Туб аҳолининг адолат йўлидаги кураши Совет ҳукумати томонидан нотўғри талқин қилиниб, унинг қатнашчиларига «босмачилар» деган тамға ёпиштирилди. «Босмачи» – туркийча «босмоқ» сўзидан олинган бўлиб, хужум қилиш тушунчасини англатади. Чор Россияси даврида йўлтўсар ва қароқчиларга нисбатан шундай ном ишлатилган. Лекин 1918 йилда Қўқондаги Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан ваҳшиёна равишда қонга ботирилгач, «босмачи» номи билан миллий-озодлик ҳаракати қатнашчилари атала бошланган. Шунинг унутмаслик керакки, 1918-1931 йилларда айрим қуроли тўдалар гўёки қаршилик ҳаракати қатнашчилари сифатида оддий аҳолини талаш, қишлоқларга босқин уюштириш билан шуғулланганлар. Шу боис бундай тўдалар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмаган, уларни кўп ҳолларда деҳқонлар ва қаршилик ҳаракати қатнашчиларининг ўзлари жазолашар эди. Шундай бўлсада, совет тарихшунослигида ана шундай жиноятчи тўдаларга нисбат берилиб, бутун қаршилик ҳаракати иштирокчилари камситилган ва «босмачилар» сифатида атаб келинган. Бу тамға 1920 йил кузидан бошлаб Бухоро истиқлолчиларига нисбатан ҳам қўлланилган. Мустабид режимга қарши кураш олиб борган аждодларимиз эса ўзларини «мужоҳидлар» деб аташган. Мустақиллик йилларидаги тарихшунослигимизда «босмачилар» атамасидан воз кечилиб, ўрнига «истиқлолчилик», «қаршилик ҳаракати», «миллий озодлик ҳаракати» атамалари кенг қўлланилмоқда[21]

1921 йил июнида Шарқий Бухорода вазият кескин тус олди. Миллий кучларга қарши туриш учун экспедицион корпус таркибига кирувчи 8-ўкчи полк йирик қишлоқларда ўрнаштирилди. 3-кавалерия бригадаси Кўлоб ҳудудида ҳаракатланар, Роганов бошчилигидаги 2-кавалерия бригадаси таъминот йўлларини кўриқлар, Я.Мелькумов бошчилигидаги 1-кавалерия бригадаси Қоратегин ва Дарвозда жанг олиб борар эди. Миллий кучлар фаоллиги ортгач, Кўлобдаги 2-кавалерия бригадаси билан Қаршидаги 3-Еттисув кавалерия полки Қоратегин ва Дарвозда жанг қилаётган 1-кавалерия бригадасига ёрдам учун юборилади. Йўл-йўлакай, 2 кавалерия бригадаси Файзободдаги истиқлолчиларни тор-мор этади. Уларнинг қолдиқлари Жирғатолдаги Фузайл Махсумга бориб қўшилишади. Натижада унинг йигитлари мингтага етади[22].

#### **4. Хулосалар:**

Шундай қилиб, ота-боболаримизнинг миллий мустақиллик ва озодлик учун олиб борган олти йиллик шиддатли курашлари мағлубиятга учрайди. Лекин, бу тенгсиз

курашда ватанпарварларнинг йирик кучлари тор-мор этилган бўлса-да, кичик-кичик гуруҳлар курашни 1930-йилларгача давом эттирадилар. Большевиклар ғалабаси Бухоро аҳолисига жуда қимматга тушди. Ўн минглаб аҳоли ҳалок бўлди. Кўплаб қишлоқлар «босмачилар уяси» деб ер билан яқсон қилиниб, аҳолиси қирғин қилинди. Совет ҳукумати томонидан амалга оширилган қирғин, зўравонлик, маҳаллий халқнинг мол-мулкни тортиб олиш сиёсатини яшириш мақсадида турли хил уйдирмаларни ўйлаб топди. Босмачилар гўёки хотин-қизларнинг номусига тегиш, болалар ва қизларни ўғирлаш, мол-мулкни талаш, уй ва экинзорларни ёқиш, вайрон қилиш ишларини амалга оширмоқда, деб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Материалы по районированию Средней Азии. Книга 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 1. Бухара. –Ташкент, 1926. –С. 65-67, 100-103. (Materialy po rayonirovaniyu Sredney Asiai. Kniga 1. Territory and population of Bukhari and Khorezma. Chast Bukhara. -Tashkent, 1926)
2. Хошимов С., Иминов Ж., Тураходжаев С. Политические репрессии в Узбекистане в 20-30-х годах XX века // Наука и современность, 2016. –С. 101. (Hoshimov.S, Iminov.J, Turakhodjaev.S. Political repression in Uzbekistan in the 20-30s of the 20th century // Nauka i sovremennost, 2016.)
3. Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 20.
4. Турсунов С., Қобулов Ҳ., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 133. (Tursunov S., Qabulov H., Pardaev T., Murtazoev B. Surkhondaryo is in the mirror of history. Tashkent: Sharq, 2001. – P. 133)
5. Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 16. (Hayit N., Osman T. Years of struggle. –P.16)
6. Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 22. (Hayit N., Osman T. Years of struggle. –P.22)
7. Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. –Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Минҳож” хайрия нашриёти, 1992. –Б. 44. (Phytrate. The reign of Amir Olim Khan. -Tashkent: Writers' Union of Uzbekistan "Minhoj" Charitable Publishing House, 1992. – P.44)
8. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий. –Б.69 (Muhammad Ali Baljuvani. The history of Nofei. – P. 69)
9. Гафуров Б. Г., Прохоров Н. Н. Падение Бухарского эмирата. –С. 62 (Gafurov B. G., Prokhorov N. N. Padenie Bukhara Emirate. – P. 62)
10. Маджлисов А. Каратегин накануне установления Советской власти. Сталинабад, Таджикгосиздат, 1959. – С. 105-129. (Madjlisov A. Karategin nakanune ustanovleniya Sovetskoy vlasti. Stalinabad, Tajikistan, 1959. – P. 105-129)
11. Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Конец басмачества. –С. 62. (Polyakov Yu.A., Chugunov A.I. Konets basmачestva. – P. 62)
12. Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. –Б. 51. (Phytrate. The reign of Amir Olim Khan. –P. 52)
13. Мунаввар Қори. Хотираларим // Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. –Тошкент, 1992. –Б. 20. (Munavvar Kori. My memories // History of Turan. A popular complex. -Tashkent, 1992. - B. 20.)
14. Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории, 1993, №7. –С. 51. (Genis V. Massacre in the Bukhara emirate in 1920 // Voprosy istorii, 1993. №7. – P. 51.)
15. Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году. –С. 52. (Genis V. Massacre in the Bukhara emirate in 1920 // Voprosy istorii, 1993. №7. – P. 52)
16. Абдуллаев К. История в лицах. Ибрагимбек Лакай. <https://greylib.align.ru/1398/kamoludin-abdullaev-istoriya-v-licax-ibragimbek-lakaj.html> (Abdullaev K. History in Persons. Ibrahimbek Lakai). <https://greylib.align.ru/1398/kamoludin-abdullaev-istoriya-v-licax-ibragimbek-lakaj.html>

17. Абдуллаев К. История в лицах. Ибрагимбек Лакай ( Abdullaev K. History in Persons. Ibrahimbek Lakai).
18. Козловский Е. Красная Армия в Средней Азии. –С. 48. (Kozlovsky E. The Red Army in Central Asia. -WITH. 48.)
19. Генис В. «С Бухарой надо кончать...» К истории бутафорских революций. Документальная хроника. –Москва: МНПИ, 2001. –С. 54-55 (19. Genis V. “We must end Bukhara...” On the history of fake revolutions. Documentary chronicle. –Moscow: MNPI, 2001. –S. 54-55).
20. Доклад генконсула в Бухаре Нагорного «Басмачество в Бухаре» 1922-04-02 (20. Report of the Consul General in Bukhara Nagorny “Basmachi in Bukhara” 1922-04-02) <https://islamperspectives.org/rpi/items/show/11391>
21. Алимова Д. А. История как история, история как наука. Том I. Историческое сознание. – Ташкент: Узбекистан, 2008. –С. 37-38, 58-60. (Alimova D. A. History as history, history as science. Volume I. Historical consciousness. –Tashkent: Uzbekistan, 2008. –P. 37-38, 58-60.)
22. Мелькумов Я.А. Туркестанцы. –Москва: Воениздат, 1960. –С. 63 (Melkumov Ya.A. Turkestanis. –Moscow: Military Publishing House, 1960. –P . 63.).



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 7, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 7, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000